

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти
тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга
тааллуқли маълумотлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат сирлари.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи маълумотлар.

3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий банк томонидан ахборот олиш чекланган хизматга доир маълумотлар, “хизмат доирасида фойдаланиш учун” грифли ҳужжатлар.

4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ махфий (конфиденциал) ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар, шу жумладан:

Марказий банк ходимларининг шахсий маълумотлари, шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар, шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборотлар (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно);

қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тергов ва суд юритуви сирини, тижорат сирини, шахсни суғурталаш ва васият сирини ҳисобланган маълумотлар;

ахборот олиш чекланган касб фаолияти билан боғлиқ маълумотлар;

ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасининг мохияти тўғрисидаги маълумотлар (улар ҳақидаги маълумотлар расмий тарзда эълон қилингунга қадар).

5. Қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чеклаб қўйилган бошқа маълумотлар.